

## ШИФОКОР СТОМАТОЛОГЛАРНИНГ ИШ ЖОЙЛАРИДА ШОВҚИННИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7425152>

Курбанова Ш.И  
*Тошкент тиббиёт академияси*

Сўнгги йилларда тиббиёт саноатининг жадал ривожланиши туфайли стоматология клиникаларида иш шароитлари сезиларли даражада ўзгарди. Стоматология амалиётига доимий равишда янги технологиялар, асбоб-ускуналар, жихозлар ва дори-дармонлар жорий этилмоқда. Бу, бир томондан, даволаниш сифатини ошириб, шифокор ишини осонлаштирса, иккинчи томондан, янги меҳнат шароитларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тиш соҳасида ишлайдиган тиббиёт ходимларининг иши нейроэмоционал зўриқишининг ортиши, бир қатор ноқулай ишлаб чиқариш омилларига таъсир қилиш натижасида юзага келадиган жиддий касбий хавфларнинг мавжудлиги билан боғлиқ, шу жумладан: а) психо-эмоционал омиллар (визуал ва ҳиссий стресс), б) эргономик (мажбурий иш ҳолати), с) биологик (инфекцияни юқтириш хавфи (вирусли ва бактериал ифлосланиш), д) кимёвий омиллар (аллерген ва токсик моддалар билан алоқа қилиш), э) жисмоний (шовқин, тебраниш, ультратовуш, микроиқлим, норацинал ёрититганлик).

Тиш соҳасидаги тиббиёт ходимларининг касбий фаолиятини баҳолаш шуни кўрсатдики, стоматологик соҳасидаги тиббиёт ходимларининг деярли барча иш жойлари одатий бўлмаган биноларнинг мослаштирилган биноларида жойлашган.

Стоматология амалиётига юқори тезликли бурғулаш, шу жумладан турбинали бурғулашнинг кенг жорий этилиши шифокорнинг иш жойида юқори частотали шовқин даражасининг ортишига олиб келди. Бормашиналар кенг йўлли, юқори частотали шовқин ҳосил қиласи, унинг умумий даражаси рухсат этилган даражадан ошади. Текширув натижасида поликлиника типидаги стоматологик кабинетлар билан хусусий стоматологик кабинетларда шовқин даражаси аниқланганда поликлиника типидаги стоматологик кабинетларда ишловчи ишчиларнинг иш жойларида шовқинни умумий даражаси 14,8 дБА га, хусусий стоматологик кабинетлардаги стоматологларнинг иш жойларида эса шовқинни умумий даражаси 4,3 дБА га юқорилиги кузатилди.

Частотасига қараб ортопед стоматологларнинг иш жойларида шовқинни спектри бўйича тахлил қилганимизда шовқин

интенсивлигининг даражаси юқори частотали шовқинларга түғри келади ва 4000 Гц дан 8000 Гц ларда шовқин даражаси РЭД дан 5-25 дБ га ортганилигидан далолат беради.

Иш жойларидаги үрганилаётган шовқиннинг спектрал ҳолати СанҚвам №0325-16 “Иш жойларида шовқин даражасининг рухсат этилган меъёрлар” ига асосан шовқин кўрсаткичларининг максимал даражаси юқори частоталарда кузатилди.

Шовқин кўрсаткичининг узоқ муддат таъсири стоматологлар фаолиятида акустик жароҳатларга олиб келиш оқибатлари мавжуд. Аудиометрик текширув натижалари шуни кўрсатди-ки, ортопед стоматологларда камида 2,8 йиллик стажидан сўнг эшлишишнинг пасайиши кузатилади.

Шундай қилиб, шифокор стоматологларнинг иш жойларидаги шовқин омилиниң даражалари гигиеник нормативларга мувофиқ келмаслиги (юқорилиги) ва уларнинг ишчилар организмига номувофиқ таъсир этиши ҳисобга олиб, бу касб әгаларининг меҳнат шароитларини оптималлаштириш, иш қобилятини ошириш ва соғлигини сақлашга қаратилган комплекс соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишга имкон берди.